# Обрў масъулияти

«... Биринчи навбатда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари керак. Токи ҳар бир оилавий пудратчи, ҳар бир фермер етиштирилган ҳосилдан ўз улушини олсин.

Бу билан раҳбар – ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатни таъминлашга хизмат қилади, охир-оқибатда унинг одамлар ўртасида обрў-эътибори ортади». Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз айтган бу гаплар нақадар ҳаётий эканлигига Қарши туманида бўлганимизда яна бир карра иқрор бўлдик.

Абдураим Ёқубов шу тумандаги Собир Раҳимов номли хўжаликда оилавий пудратчи бўлиб ишлайди. Яқинда у билан «ҳорманг, бор бўлинг» дейишга тўғри келди.

— Тўй олдидаман, — дейди у бошидаги дўпписини олиб, юзини елпиганча, — Бурҳон ўғлимнинг уйини тушириб беришим керак.

— Ҳамма нарса етарлими? — сўрайман ундан. — Ё...

— Худога шукр, — дейди у мамнуният билан. — Ҳамма нарса етарли. Шундай деганча юзидаги терни кафти билан сидириб, гурунг беради.

— Бу йил 6 гектар ерга ғалла экиб, 76,4 центнердан ҳосил олдим. Шартномада кўрсатилганидан зиёдаси, яъни 12 тонна дон ўзимизда қолди. Бултур шу ердан 43,6 центнердан пахта берувдим. Шунинг эвазига ёғ, кунжара, шелуха олдим. Ҳўкиз билан қўчқорни шунга боқиб семиртирдим. Ундан ташқари томорқагаям у-бу нарса экканман. Помидорим эрта пишади. Ҳар йили шунинг ўзидан 500-600 минг сўм топаман. Бўлмаса ўғлимга уй сололармидим. Мен сизга айтсам, хўжалигимизда ҳисоб-китоб немисларникидан кам эмас. Раисимиз ҳисобга жуда қаттиқ. Сув, ўғит, техника деб чопмаймиз. Буни ташкил қилиш раиснинг, мутахассисларнинг иши. Биздан фақат ишлаш... Ишлаяпмиз, шунга яраша ҳақимизни оляпмиз.

Шокир Эминов ҳам шундай гапни айтди. Айтишича, бу йил 72,2 центнердан дон етиштирибди. 24 тоннаси ўзига тегибди.

— Раисга гап йўқ, — дейди у. — 10 йилдан бери бирга ишлаб, бир-биримизни тушуниб кетганмиз. Бировнинг хақи бировга ўтмайди. Ҳамма нарса ҳисоб-китобли, чек бор. Харажат ҳам, фойда ҳам маълум. Босган қадами фойда келтирадими ё зарар. Буни ҳамма пудратчи билади. Агар пудратчи харажатни тежаса, ортгани ўзиники. Яхши ишласа, дивиденд ҳам, натурага маҳсулот ҳам олиши аниқ. Устама ҳақ ҳам тегади. Бу нимадан? Шартнома амал қилаётганидан. Ҳа...

Суюн Абдиевнинг Собир Раҳимов номли хўжаликка раис бўлганига 11 йил бўляпти. Юриш-туриши, кийиниши жуда оддий. Ниҳоятда камсуқум. Новчадан келган, доим дўппи кийиб юрадиган, қиррабурунли, ўнг чаккасида афғон ярасининг изи қолган. Бу одамни туманда ҳам, вилоятда ҳам талабчан, қаттиққўл раҳбар сифатида билишади. Сўм эмас, тийинга ҳам талашади, дейишади.

— Пудратчига ишлаш учун шароитини яратиб берганмиз, — дейди Суюн Абдиев. — Уни қил, буни қил, деб бошини қотирмаймиз. Тўғри, мутахассисларимиз тавсия беришади. Сўз бердингми — бажар, деймиз. Аввало, ўзимиз шунга амал қиламиз. Худога минг қатла шукр ишимиз ёмон эмас, 201 миллион сўм соф фойда олганимиз учун бултур 30 миллион сўм дивиденд сифатида берилди.

— Демак сизларда шартномага қатъий амал қилиняпти. Шундайми? – раисга синовчан боқамиз.

— Албатта. Энди пастдан талаб кучаймоқда. Оилавий пудратчи ҳамма нарса шартнома бандларига мувофиқ бўлишини талаб қиляпти. Яна бир нарса. Бизда рақобат муҳити пайдо бўлди. Рақобат бўлса ўсиш, ўзгариш бўлади. Бу аниқ. Бултурги пахтамизнинг ҳар тоннасидан 35,5 фоиз тола чиқди. Сифатли тола етказиб берганимиз учун 500 тонна устама олдик. Натижада 200 миллион сўм соф фойда кўрдик. Бу йил шартномадаги ғаллани 16 иш кунида давлатга етказиб бердик. Режадан ошиқча 732 тонна дон топширдик. Ҳосилдорлик 60 центнер, ялпи ҳосил 5000 тонна, соф фойда 200 миллион сўм бўлди.

Бундан ким наф кўряпти? Аввало, оилавий пудратчи. Шунинг учун уларнинг ўзлари билиб ишини қилишади. Раис ташкилий ишларни қилиб берса, бас. Юз ёруғ бўлади.

Бу Қарши туманидаги битта хўжаликдаги гап. Шунисиям борки, тумандаги ҳар битта хўжалик раҳбарини тумандагина эмас, вилоятда ҳам билишади, тан олишади, ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос феъл-атвори, иш услуби бор. Лекин ҳаммасига хос муштарак жиҳат бор. У ҳам бўлса, шартномага қатъий амал қилишларидир. Шунинг учун ҳар йили бу туманда оилавий пудратчилар, фермерлар тонна-тонналаб ғалла, кунжара, шелуха, ёғ олишади. Мана нима учун Қарши тумани ҳар йили пахта, ғалла шартнома режаларини вилоятда биринчи бўлиб бажаради.

— Президентимиз айтганидек, ҳосилнинг тақдири одамларнинг рағбати ва манфаатига боғлиқ, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Хайруллаев. — Шунинг учун биз анчадан буён ички шартномага қатъий амал қилиб келяпмиз. Мана бу йил ҳам 62798 тонна дон ишлаб чиқардик. Шунинг 41826 тоннасини давлатга сотдик. 15 минг тонна донни оилавий пудратчиларга бердик. Ҳар йили шундай қилиб келяпмиз. Шунинг учун бизда шовқин-сурон, мажлисбозлик, асаббузарлик йўқ. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади.

Сайфулла Хайруллаев унчалик гапга чечан эмас. Гапнинг лўндасини айтади-қўяди. Унинг яхши одати бор. Ҳеч қачон «мен» демайди. Кўпнинг гапини эшитади, маслаҳатини олади. Шунга қараб иш тутади. Шунинг учунми, туманда ишчанлик муҳити юзага келган.

Оилавий пудратчи раисга, раис уларга, ўз навбатида ҳоким раисларга, раислар ҳокимга қаттиқ ишонади. Бу ишонч йиллар давомида юзага келган. У тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

— Бир-бирига ишонч, ҳамжиҳат бўлиб ишласа, шартнома бандларини бажарса, олган тупроғи олтин бўлишига энди ҳамманинг кўзи етиб турибди, — дейди Сайфулла Хайруллаев. — Масалан, шу йил туманимизда биргина ғалланинг ўзидан 1 миллиард 635 миллион 263 минг сўм фойда кўрдик. Шу пул оилавий пудратчиларнинг чўнтагига киради-да. Шундай бўлгач, улар тўй қилмай, улар уй қурмай, улар машина олмай, ким олсин. Ахир биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Ҳали кўрасиз, беш-олти йилдан кейин қишлоқларимиз қандай бўлишини. Эҳе...

Ҳа, шунинг учун ҳам Қарши тумани эл оғзига тушмоқда. Нега туман ҳокимидан тортиб, хўжалик раҳбаригача — бари-барининг эл аро обрў-эътибори катта? Сабаби — битта. Ички шартнома шартлари қатъий бажарилмоқда. Раҳбарларнинг сўзи билан иши бир. Мана сизга обрўнинг шарти. Қани энди ҳамма ҳам шуни англаб етса. Унда пудратчилар, фермерларга «шартномадан ташқари яна 8 фоиз, 15 фоиз ғалла берасан» дейиш бориб турган субутсизлик эканлигини улар тушунган бўлардилар. Режани ошириб бажарган ҳолда оилавий пудратчига шартномада кўрсатилганидан ошиқча ғаллани бермаслик кимга обрў келтиради? Бу ҳақда ҳар бир масъул раҳбар ўйлаб кўрса зиён қилмайди.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ... қўл — ботир

**Қумқўрғонликлар бундан уч йил муқаддам велосипед заводини қурамиз, деб ният қилишганди. Аммо орзулари амалга ошмасдан қолиб кетди. Яъни завод... қурилмади. Лекин... қараб ҳам турмадилар.**

**Тумандаги «Сурхончигит» корпорацияси 1998 йилда Грециянинг «Емкат» фирмаси билан низом жамғармаси 575 минг АҚШ доллари қийматида қўшма корхона қурди. Ҳозир йилига 5 минг тонна туксизлантирилган ва капсулаланган уруғлик чигит ва 15 минг тонна уруғлик дон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона гуруллаб ишлаб турибди.**

**«Олтин бошоқ» масъулияти чекланган жамият аҳлининг ҳам нияти катта. Корхонага хориж сармояси жалб этиб, қўшма корхона қурмоқчи. Туманда бундай ижобий ишлар кўп. Масалан, Қумқўрғон улгуржи чакана «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Эскимо» деб аталадиган Италиянинг Катобрига компаниясида ишлаб чиқарилган технологик линия соатига 100 килограмм музқаймоқ тайёрлайди. Татиб кўрсангиз, шунчаки музлатилган қаймоқ эмас, ростакамига, энг тотли қаймоқ экан, дейсиз.**

**— Бунақа технология вилоятда ягона, — дейди цех бошлиғи А. Худойназаров. — Маҳсулот таннархи арзон. Лекин тўла қувват билан ишлатилса, бир кунда сал кам бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, савдога чиқарилиши мумкин.**

**Завод табиийки, ўзидан ўзи қурилгани йўқ. Вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси ташаббускорларни қўллаб-қувватлади.**

**Бу жамоанинг тўртинчи ишлаб чиқариш тармоғи. Энди музқаймоқ учун вафлили стаканлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида бош қотиришмоқда. Амалда кўз қўрқоғу қўл — ботир, деган нақлнинг беҳуда айтилмаганини таъкидламоқдалар.**

**Очиғи, Қумқўрғон тумани иқтисоди вилоятда ўртача. Бюджетта боқимандалик камаймаган. Биз юқорида қайд этган тадбиркорлар сафи кенгайиб борса, велосипед ишлаб чиқариш ҳам қийин бўлмай қолади. Шунда табиийки, туман аҳолисининг фаровонлиги янада ошади.**

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Нурафшон»да нима етишмайди?

Чустликларнинг пахта тайёрлаш шартномавий режасини сўнгги бор адо этганларига олти йил бўлди. Туманда тармоқдаги ислоҳотларнинг кечиши оғир бўляпти. Ҳар хўжаликда ҳар хил ҳолат. Масалан, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бултур режани 8 октябрь куни туманда биринчи бўлиб уддалаган бўлса, унга қўшни бўлган «Нурафшон»да терим ноябрь охиригача давом этса-да, хирмон бут бўлмади, 89 фоизда қолиб кетди. Ваҳоланки, ҳар икки хўжаликнинг ер, сув шароити бир хилу, натижаларда тафовут катта. Нега?

Хўжалик юритиш самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичларда зоҳир бўлишини ҳисобга олсак, «Ўзбекистон»нинг пировард натижалари кўнгилни кўтаради. Масалан, ўтган деҳқончилик йилини пахтакорлар гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтариш билан якунладилар. 1050 тонна хомашёнинг 82 фоизи биринчи навга ўтди. Режа бажарилгани боис пудратчилар мўмайгина даромад, бунга қўшимча 44 тонна пахта ёғи, 152 тонна кунжарага эга бўлдилар. Кўпчилик пудратчилар ҳамёни тўлиб қолди. Жумладан, 2,5 гектар ерда деҳқончилик қилган Тоҳир Бозоров оиласи йил давомида 209 минг сўмга ишлади, йил якуни бўйича 10,5 минг сўм қўшимча ҳақ, 275 килограмм пахта ёғи, 950 килограмм кунжара, 850 килограмм чигит пўчоғи олиб, рўзғорининг кам-кўстини тўғрилади, ортганига чорва қилди. Астойдил меҳнат қилиб, юқори манфаатдорликка эришаётган бундай кишилар кўп. Хўжаликдаги ғаллачиликни олайлик. Бу соҳада ҳам ўсиш кузатиляпти. 2001 йилда гектаридан 33 центнердан дон олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 45 центнерга етди. Шартномадан ортиқ етиштирилган ҳосилнинг 200 тоннаси иш ҳақи учун тарқатилди, 100 тоннаси пудратчиларга иш ҳақи сифатида берилди. Жумладан, Шарофат Халилова 10 гектар ғаллазордан 35 ўрнига 46 центнердан ҳосил олгани учун хўжалик нақд 11 тонна буғдойни унинг уйига тўктириб берди.

— Ўзгаришларнинг бари одамларнинг ерга муносабати яхшиланаётгани, қолаверса, хўжалик ва пудратчи ўртасидаги шартномага алоҳида мажбурият сифатида қаралаётганидан. Иккинчи томони, деҳқончилик маданиятига қатъий риоя этиб, ҳар бир агротехник тадбирнинг вақтида ўтказилаётганлигида, – дейди бошқарув раиси Маҳаммаджон Маҳмудов.

Раиснинг гапида жон бор. Чиндан ҳам пудратчидан пировард натижани талаб қилиш учун унинг олдидаги мажбуриятни тўла-тўкис бажариш бошқарувнинг доимий эътиборида бўлди. Техника айтилган вақтда дала тепасига етиб борган бўлса, бош мироб керак пайтда уларни сув билан таъминлади. Экинзорлар соф ҳолдаги 75 тонна азотли, 56 тонна фосфорли ўғит билан тўйдирилди. Қатор оралари олти-етти марта культивациядан чиқарилди.

– Ҳар бир пудратчининг қўлида чек дафтарчаси бор, – дейди бош иқтисодчи Расулжон Умрзоқов. – Бажарилган иш меъёри ва сифатига қараб йиртиб беришади уни. Ҳаммаси ҳуқуқини яхши билади. Қўл учида қилинган ишга, керак бўлса, ҳақ тўлашмайди. Мана, бултур механизатор Солижон Бўронов, Шуҳрат Бозоров пудратидаги 5 гектар ерни меъёридагидан анча саёз юмшатган экан, чек йиртиб бермабди. Ўшанда механизатор ёнилғи сарфига куйиб қолди.

**Тажриба, таққос, таҳлил**

Бу гапларни эшитиб, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ерлар самарадорлиги кўтарилишида пухта ҳисоб-китоб, ҳар бир юмуш устидан назорат, агротехника қоидаларига асосланган деҳқончилик асосий омил бўлаётганини англаб олади, киши.

Агар иш шу тартибда олиб борилганда қўшни «Нурафшон» хўжалигида йил 24 миллион сўм зарар билан якунланмаган бўларди. Бултур бу ерда гектаридан 26,8 ўрнига 23 центнердан пахта етиштирилди. Ҳосилнинг тўртдан бир қисми тўртинчи, бешинчи навларга сотилди. Бир гектар ерда пахта етиштириш харажати 246875 сўм, даромад эса 195921 сўмга тўғри келди. Режа аро йўлда қолгач, ҳамёнда барака бўлармиди? Жорий йил бошида хўжаликнинг иш ҳақидан қарзи 9 миллион 268 минг сўмга етди.

Дурустроқ назар солган кишига «Нурафшон»даги қолоқликнинг илдизи ислоҳотлар номигагина ўтказилаётганлигида эканлиги ойдинлашади. Энг аввало, бултур бошқарув пудратчиларни танлашда адашди. Бўлмаса, пахта майдонлари тақсимлаб берилган 150 пудратчининг 55 нафари шартномани барбод қилармиди? Қаранг, 2 гектарли майдонни тасарруфига олган Равшан Йўлдошев ва Инъомжон Қодировлар 11-13 центнердан пахта етиштиришибди-я. Ана сизга ерга эгалик ҳисси. Ахир, бу Чустдай ҳар қарич ер тиллога тенг туманда экинзорнинг умрини беҳуда ўтказиш, уни увол қилиш эмасми?

Мутахассисларнинг айтишларича, ғўза парваришидаги ўзибўларчилик, агротехника қоидаларини мутгасил бузилганидан экин кечга тортибди. Жумладан, бу ерда қатор ораларини «Ўзбекистон»дагидан бир неча марта кам юмшатилган. Биринчи комплекс ишловни қўшнилардан 25 кун чўзиб юборишган. Ўтган йилнинг 23 июлидаги маълумотларида ёзилишича, 57 гектар ўсимлик ривожланишидан орқада қолиб, 51 гектар майдон ўта чанқатиб қўйилган. Ҳар уч культиватордан бири ишламаган. Айрим пайкалларда кўчат қалинлиги гектарига 90-95 мингдан ошмаган. Ана шундай камчиликлар туфайли сентябрь ойига келиб пахта атиги 54 фоиз очилган. Оқибатда теримга тушиш кечикиб, «Ўзбекистон»дагидан 20 кун орқага чўзилиб кетган. Тўғри, бунинг учун бош агроном Неъмат Ризаев ва бош муҳандис Эркин Тўйчиевлар вазифасидан бўшатилдилар. Бироқ, бу билан бултур бой берилган имкониятни қайтариб бўлармиди?

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик, мустаҳкам шартнома интизоми, куч ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш уларнинг бирига муваффақият келтирган бўлса, ерга нисбатан хўжасизлик, экин парваришидаги нўноқлик ва талабчанликнинг йўқлиги бошқасини қолоқлик сари етаклади.

Яқинда ҳар икки хўжалик далаларида бўлдик. «Нурафшон»да ҳам мутахассис ва пудратчилар ўтган йил сабоқларидан етарли хулоса чиқариб олганлигига ишонч ҳосил қилгандек бўлдик. Янаям аниғини йил охирроғида — хирмон тиклаш пайтида биламиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қовун сайли

Гулистондаги Марказий маданият ва истироҳат боғида анъанавий қовун сайли бўлиб ўтди. Қовун сайлига Сирдарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан машҳур Мирзачўл қовунлари ва тарвузларининг ажойиб ва бетакрор лаззатининг қадрига етувчи минглаб кишилар тўпланди.

Полизчилар баҳсида биринчи ва охиргилар бўлмади — татиб кўрилган барча дашт неъматлари бош совринлар олди. Бу совринлар ушбу байрам қатнашчиларининг кулгу ва эзгу тилаклари бўлди.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Муносабат

# Кичик корхоналар кўпайса...

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида кичик ва ўрта бизнесни ҳамма жойда ва ҳар томонлама ривожлантириш энг муҳим вазифа эканлигини яна бир карра таъкидлади. Илгари Томди туманида ҳам бу борада оқсоқлик яққол сезиларди. Бугунги кунда эса биргина Жабай Балимонов номли ширкат хўжалигида 5 та кичик корхона ишлаб турибди. Яқинда улар сафига «Оқ эрка» хусусий фирмаси ҳам қўшилди. Бўшаб қолган эски бино таъмирланиб, зарур тўқув ва тикув жиҳозлари ўрнатилди. Қоракўл тери қайта ошланиб, чўпон-чўлиқлар учун иссиқ кийим-бош тикиш йўлга қўйилди. Харидоргир маҳсулот ҳаммага керак. Қарабсизки, бир ойдаёқ 5 миллион сўмликдан ортиқ тўн, тумоқ, телпак, маҳси, қўлқоп каби иссиқ кийимлар чорвадорлар қўлига тегди.

— Гилам, кигиз, турли пояндозлар тайёрлашга ҳам киришдик, — дейди корхона раҳбари Абдухолиқ Бахтибоев. — Маҳаллий хомашё етарли. Қоракўл тери ва жунни турларга ажратиб, маҳсулот сифатини яхшилашга эришдик. Раҳима Буканова, Ақшагул Аленова, Гулзира Иноятова, Роза Абишева, Фотима Элмуродова каби чеварлар қўлида сайқал топаётган кийим-кечаклардан нуқсон топиш мушкул. Йил охиригача 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрламоқчимиз.

Айни пайтда «Аяққудуқ» ва «Бирлик» ширкат хўжаликларида ҳам «Шарқ», «Саратон», «Тоғли» каби кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

— Туманимизда кичик ва ўрта бизнес ривожланиш босқичига кирди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Серик Саъдинов. — Айни пайтда қарийб 200 та турли йўналишдаги хўжалик юритувчи субъектда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётир. Улар мавжуд 39 та овулнинг юзи бўлиб қолди, десам, асло муболаға бўлмайди. Бироқ бир муаммо: у ҳам бўлса, банклар томонидан ишбилармонларга микрокредитлар ажратиш ҳали ҳам яхши йўлга қўйилмаяпти. Бултур бор-йўғи 18 кишига, бу йил эса 3 нафар тадбиркорга микрокредит ажратилди, холос. Агар ушбу масала тўлиқ ечим топса, чўл шароитида яшаётган инсонлар турмуш фаровонлиги яна яхшиланишига ишончим комил.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хирмонга барака, халқободликлар



*Август ойининг бошидаёқ далаларда лўппи-лўппи бўлиб очилиб ётган пахтани кўриб кўзингиз қувнамай иложингиз йўқ. Негаки, бу йил республикамизнинг жуда кўпгина вилоятларида пахта одатдагидан кўра анча эрта етилди. Шу кунларда Жарқўрғон туманининг «Халқобод» ширкат хўжалигида бўлган киши бунга тўлиқ ишонади. Қарийб 760 гектар майдонда «Оққўрғон-2» навини етиштирган халқободликлар режадаги 1525 тонналик пахтани яқин кунлар ичида уддалашни мўлжаллашмоқда. Шу мақсадда ҳозир 102 нафар оилавий пудратчи мавжуд майдонлардаги «кумуш тола»ни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** теримчи Қувончой Жавлиева; терилган пахта тортиб олинаётган пайт.

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Мавсум олдидан

*Ҳозир Фарғона вилоятининг бепоён пахтазорларида дастлабки ҳосил нишоналари бўй кўрсатганига қарамай, ҳамма жойда ғўза қатор ораларига ишлов бериш ишлари қизғин давом эттириляпти. Пахтакорлар бу йил ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирганликларини айтиб, пахта қабул қилувчилар, қайта ишловчиларни уни ўтган йилга нисбатан бир ҳафта-ўн кун аввал қабул қилиб олишга шай туришга даъват этишмоқда.*

# Харидоргир тола — бош кафолат

— Мутахассисларимиз пахтакорлар билан учрашиб, ғўза майдонларини кўздан кечириб, жорий йилда чиндан ҳам пахта ўтган йилга нисбатан анча эрта етилаётганига амин бўлишмоқда, – дейди “Фарғонапахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Содиқжон Самадов. – Шу боис ҳозиргача вилоятдаги 8 та пахтани қайта ишлаш корхонаси ва 46 та пахта қабул қилиш пункти таъмирдан чиқарилди. Уларнинг ҳаммаси давлат комиссияси томонидан қабул қилиб олинди. Бундан ташқари, 6500 тадан зиёд брезент, 5 тоннага яқин боғлама маҳсулотлари, салкам 300 минг дона этак ҳам тайёрлаб қўйилди. Комиссия аъзолари кичик механизация воситалари, ўт ўчириш автомобиллари, сув насослари ва бошқа воситаларнинг капитал таъмирланишига ҳам яхши баҳо бердилар. Шунингдек, ёнилғи ва электр энергиясида узилишлар бўлмаслигининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди, катта тарозилар, автомобиль тарозилари, лаборатория асбоб-ускуналари эса давлат стандарт тизими ходимлари томонидан қабул қилиб олинди.

Вилоятда янги ҳосилни қабул қилиб олишга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш билан бирга, корхоналарни замонавий пахта тозалаш асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор беріляпти. Хусусан, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги пахта тозалаш корхоналарида таъмирлаш ва янги замонавий қурилмаларни ўрнатишга 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Швейцариянинг “Донованд” фирмаси мана, салкам 10 йилдирки, фақат Фарғонада етиштирилаётган пахтадан тайёрланган толага буюртма беради. Чунки бу ерда тайёрланган толанинг сифати, бақувватлилиги, айниқса, момиқ ипнинг дунё андозаларига тўла мос келиши буюртмачиларни тўла қондирмоқда. Шу йилнинг дастлабки ярим йиллигида вилоят бўйича тайёрланган толанинг сифат кўрсаткичи 92 фоизни, момиқлиги эса 100 фоизни ташкил этди. Натижада хорижий истеъмолчиларга 55 минг 700 тоннадан зиёд сифатли тола жўнатилди.

Австриянинг “Альтро ГМБХ”, Буюк Британиянинг “Ай-Си-Ти”, Италиянинг “Индутек”, Сингапурнинг “Олам интернейшл”, “Синкот”, Американинг “Кристон”, “Кайстер”, “Галакс” фирмалари ҳам фарғоналик қайта ишловчиларнинг доимий мижозлари ҳисобланади. Бу фирмаларнинг вакиллари яқинда вилоят пахтазорларида бўлиб, янги ҳосилнинг сифати аввалги йиллардагидан сира қолишмаслигига ишонч ҳосил қилдилар ва албатта Фарғона толасига буюртма бериш истагида эканликларини билдирдилар.

Толани қайта ишловчилар билан харидорлар ўртасидаги шартномаларнинг ижроси ҳам ҳамиша диққат марказида турибди. Фақат шу йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятдаги пахта етиштирувчи хўжаликларга 22 миллиард сўмга яқин маблағ ўтказиб берилди. Ёки ҳар бир тонна тола учун тўланган маблағ ўртача 385 минг 750 сўмни ташкил этди. Сўнгги йиллардаги бу юксак натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бозор иқтисодиёти шароитида янгича ишлаш, янгича фикрлаш, юқорида айтилганидек, ютуқлар омили бўляпти.

*Яна саноқли кунлардан сўнг йилнинг энг катта мавсуми — пахта йиғим-терими бошланади. Вилоят пахтани қайта ишлаш корхоналари ходимлари эса ҳозирданоқ янги ҳосилни қабул қилишга шай бўлиб туришибди.*

**Набижон СОБИР,**
**“Халқ сўзи”нинг ўз мухбири.**

*Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардорлари ва аъзоларини шаҳодатдан ўтказишга жиддий эътибор қаратилди.*

# Шаҳодат синови

Ички ишлар вазирлиги, республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ҳамкорликдаги қарори асосида ишлаб чиқилган услубий қўлланма посбон ва сардорларни шаҳодат синовидан ўтказишда жуда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, шаҳодат комиссияси таркибига кимлар киритилиши, уни ўтказиш тартиби ва ҳатто баҳолаш мезонларининг аниқ белгиланганлиги маҳалла посбонларини синовдан ўтказишда жуда қўл келди.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этгани, ўз вазифасини суиистеъмол қилгани учун огоҳлантирилган айрим посбонлар шаҳодат синовига қўйилмади. Вилоятдаги мавжуд 282 нафар «маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларидан 187 нафари, 807 нафар посбоннинг 692 нафари шаҳодат синовидан муваффақиятли ўтди. Ўз хизмат вазифасига жиддий муносабатда бўлмагани, тўплаган балларининг камлиги учун шаҳодат синови комиссияси хулосасига кўра, сардорларнинг 77 нафари ва посбонларнинг 147 нафари шаҳодат синовидан шартли равишда ўтган деб, ҳисобландилар. Билим доираси пастлиги, Низом талаблари даражасида маҳалла йигитларини тинчлик ишига жалб этолмаганлиги учун 23 нафар сардор синовдан ўтказилмади.

Синов жараёнида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари ва аъзоларининг ички ишлар идоралари ходимларига ёрдам беришга қодирлиги ёки ноқобиллиги, мустақил шахс сифатида шаклланганлиги, билим савияси, дунёқараши, миллий истиқлол мафкурасини қандай тушуниши, ҳуқуқий онги қай даражада эканлиги, юриш-туришию муомала маданиятидан тортиб, маҳалладаги тадбирларда иштирокигача ва ушбу тадбирларни уюштиришдаги ташкилотчилик қобилиятигача барча жиҳатларига эътибор қилинди.

**А.ШАКАРОВ,**
**Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.**

Сўраган эдингиз?

# Саволларга Адлия вазирлиги жавоб беради

**Ғ.ҲАКИМОВ, Тошкент шаҳри:**

***— Аввал четдан олиб кирган товарларим учун қўшилган қиймат солиғи, божхона божи ва бошқа тўловларни тўлар эдим. Ҳозирда эса ушбу тўловлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлаш лозимлигини божхона органлари талаб қилишмоқда. Ушбу талабларнинг қанчалик тўғрилигини тушунтириб берсангиз.***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори билан божхона тўловларини соддалаштириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи, божхона божи ва божхона йиғимлари ўрнига ягона божхона тўлови жорий қилинган.

Ягона божхона тўлови озиқ-овқат товарлари учун товар қийматининг 50 фоизи, ноозиқ-овқат товарлари бўйича эса товар божхона қийматининг 90 фоизи миқдорида тўланади. Ун маҳсулоти олиб кирганлигингиз учун ягона божхона тўлови нуль ставка миқдорида ундирилади.



**З. ЗОИРОВ, Самарқанд шаҳри:**

***— Адлия вазирлигига тадбиркорлар қайси ҳолатларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мурожаат қилишлари мумкин?***

— Вазирлик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятига тўсқинлик қилаётган мансабдор шахслар ҳаракати бўйича ҳамда ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида, ноқонуний текширишлар юзасидан ва бошқа ҳар қандай қонунбузарликлар тўғрисида Адлия вазирлигига ва унинг жойлардаги адлия бошқармаларига ёзма равишда ёки ишонч телефонлари орқали бемалол мурожаат қилиши мумкин.

**Х.УРДУШЕВ, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри:**

***— Матлубот уюшмасидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилдим. Мен қандай йўл тутишим керак? Умуман, ушбу низо қандай ҳал этилади?***

— Меҳнат кодексига мувофиқ, меҳнат низолари меҳнат низолари комиссияси (агар у ходимнинг иш жойида ташкил этилган бўлса) ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан кўриб чиқилади. Сиз меҳнат низосини ҳал этилишини сўраб, бевосита судга мурожаат этишингиз мумкин.

Танқид натижасиз қолмади


Бировнинг ПУЛига тегиб бўладими? ПУЛига-я!..

*«Газетанинг шу йил 26 июнь сонида эълон қилинган «Бировнинг пулига тегиб бўладими? Пулига-я!» сарлавҳали мақола барча тижорат банк раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди», дейилади Жиззах вилояти марказий банки бош бошқармаси бошлиғи У.Мустафоевнинг таҳририятимизга юборган жавоб хатида. Таъкидланишича, тижорат банк раҳбарлари зиммасига мижозларга хизмат кўрсатишда сарсон-саргардонликка йўл қўймаслик, мақолада кўрсатилган хато ва камчиликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилган.*

# Қонунбузарлик бартараф этилди

Арнасой тумани «Пахтабанк» бўлими мижози «Малҳам» фермер хўжалигидан «Наманган» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборилган 228 минг 655 сўм маблағ, хўжалик ва фермер хўжалиги ўртасида бурунги йил 1 январда тузилган 537 минг 897 сўмлик ўзаро таққослаш далолатномасига асосан, ўтган йил 29 январда қўйилган 15-сонли тўлов талабномасига асосан амалга оширилган. Мақолада бошқа ёққа ишлатиб юборилганлиги кўрсатилган 384 минг 030 сўм маблағ 2001 йил пахта ҳосили учун ажратилган 36-транш маблағлари бўлиб, белгиланган муддатда ўзлаштирилмаганлиги сабабли 2001 йил 31 август куни жамғармага қайтарилган.

Шу туман «Тадбиркорбанк» бўлими мижози «Довулбой ота» фермер хўжалигининг 167 минг 181 сўмлик маблағи асоссиз равишда Б.Файзиев номидаги фермер хўжаликлари уюшмасига ўтказиб юборилган. Бундан ташқари, мақолада фермер хўжалигидан банк акцияси учун 15 минг сўм ўтказиб юборилган дейилган. Аслида эса маблағ фермер хўжалигининг 2002 йил 14 февралдаги тўлов топшириқномасига асосан ўтказилган.

«Довулбой ота» фермер хўжалигининг даъво аризаси бўйича хўжалик судининг шу йил 11 мартдаги қарорига асосан туман «Тадбиркорбанк»идан 167 минг 399 сўм маблағ ундириб берилган.

Йиғилишда барча вилоят тижорат банклари раҳбарлари зиммасига мижозларга хизмат кўрсатишда сарсон-саргардонликка йўл қўймаслик, мақолада кўрсатилгани сингари қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриш топширилган.

Саҳифага мактуб

# Бизга ёрдам керак!

Корхонамиз меҳнат жамоаси ва акциядорлари 1997 йил 25 март куни йиғилдик. Сўнг умумий йиғилишнинг қарори, Навоий вилояти жамоақурилиш трестининг ўша йил 26 сентябрдаги буйруғига асосан «МПМК-217» ташкилоти «Қурувчи-96» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари Хатирчи туман ҳокимининг қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилди. Эмиссия рисоласи ҳам қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоят ҳудудий бўлимида тасдиқланди. Рўйхатдан ўтказилган эмиссия рисоласига кўра, жамият устав фонди 631,0 минг сўм белгиланиб, акция номинал қиймати 500 сўмдан 1262 дона эгаси ёзилган оддий акция ҳам чиқара бошладик. Бир сўз билан айтганда, ишларимиз юришиб кетди. Акциянинг 49 фоизи меҳнат жамоасига, 26 фоизи «Искандар Жўра» номидаги фирмага, қолгани вилоят «Жамхўжқурилиш» трестига тегишли эди.

Аммо энди оёққа тураётган вақтимизда, бошимизни чангаллаб қолдик. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 апрелдаги «Капитал қурилишни бошқариш тузилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини вилоятдаги мутасаддилар тўғри тушунмасдан бир қанча жиддий хатоликларга йўл қўя бошлашди. Натижада вилоят миқёсидаги барча қурилиш корхоналарининг ҳуқуқлари бузилиб, охир-оқибат тугатилиб, юридик шахс ҳуқуқи бўлмаган қурилиш участкаларига айлантирилди. Оқибатда, бизнинг «Қурувчи — 96» очиқ акциядорлик жамияти, яхши ишлаб турган қурилиш корхоналари, акциядорлик жамоалари ҳам ишсизлик ҳолатига мубтало бўлиб қолди.

Юқорида кўрсатилган қарорни бажариш мақсадида вилоят ҳокимининг 2000 йил 21 апрелда қарори чиқиб, махсус комиссия тузилганди. Бироқ, бизларнинг жамоамизга комиссиядан ҳеч ким келмасдан, комиссия таркибида номи кўрсатилмаган «Навоийжамоақурилиш» трести бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи К.Файзиев келиб, жамоамиз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишда қатнашди.

Умумий йиғилиш кўпчилик овоз билан акциядорлик жамиятининг мустақил қолиши ҳақида қарор қилди. Аммо шундай бўлса-да, ҳуқуқларимизни бузган ҳолда, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 95-102-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинмасдан, «Қурувчи-96» очиқ турдаги акциядорлик жамиятини тугатилган деб ҳисоблаб, корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамини ёпиб, муҳр ва штампларини олиб, фаолиятимизни бекор қилишди.

Очиғи, биз акциядорларнинг паймол бўлган ҳақ-ҳуқуқимизни тиклаб олишга ёрдам сўраб, бормаган жойимиз қолмади. Сўнгги умидимиз газетадан бўлганлиги учун мадад сўраб мурожаат этяпмиз. Илтимос, бизга ёрдам беринглар.

**Эшим ИСКАНДАРОВ,**
**Облоқул БЕРДИЁРОВ**
**ва бошқалар.**

## Суд очерки



# STOP ёки «шапкали» вагон

Пишиқчилик даврида айрим тадбиркор, ишбилармонлар жиндек пул ишлаб олгиси келади. Тирикчиликнинг айби борми? Қонуний, рисоладагидек бўлса қандини урсин. Неъмат Патиев ҳам тирикчилик илинжида сал боши қотиб юрган кезлар эди. Қараса, битта-яримта таниш-билишлари четга мева-чева олиб кетяпти. Дарров сўраб-суриштиришга тушди. Билсаки, Россия Федерациясида у етиштирган қовун-тарвузлар жуда харидоргир экан. Ҳам тижорат, ҳам баҳонада ўша томонларни айланиб келишни кўнгли тусаган Патиев дарҳол ишга киришди. Мўлжалласа, бир вагонга жойлашгулик қовун-тарвузи бор. Фақат юкни ортадиган вагон топса бўлди. У ёғи ҳаммаси жойида. Бироқ вагон масаласи бироз мушкул деб эшитганди. Нима қилса экан?

— Бошлиқнинг олдига киринг. Масалани ўзи ҳал қилади.

Патиевнинг ҳаракатидан хабардор бўлганлардан бири унга юқоридаги маслаҳатни солди. Шундан кейин иши битишига кўзи етган деҳқон ўйлаб ҳам ўтирмади. Шартта «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли Янгийўл темир йўл шоҳ бекатининг бошлиғи Ибрагим Худойбергановнинг хонасига кирди:

— Омск шаҳрига қовун-тарвуз юбормоқчи эдим. Шунга вагон керак бўлиб қолди, ака.

Бошлиқ қараса рўпарасидаги йигит дуппа-дуруст. Ҳеч шубҳали томони йўқ. Унга ёрдам бергиси келди. Аммо текинга эмас:

— Харажатидан қочмасангиз тайёрлаб берамиз, оғайни. Сиз деҳқонлар учун вагонларимиз бор. Бизнинг хизматимиз холис. Лекин қозоғистонлик ҳамкасбларимизнинг томоғини мойламасак бўлмайди. Сиздан олиб, ўшаларга узатамиз. Улар сизга Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ўтиш ҳуқуқини берувчи код-хабарнома беришади. Йўлда овора бўлмасдан, юкингизни айтган манзилингизга тушириб олаверасиз.

Бу гапдан кейин Патиевнинг шашти пасайиб, тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўлди. Бўшашибгина бекат бошлиғига юзланди:

— Ака, харажати кўп эмасми? Оғирлик қилмасин тағин.

Бошлиқ бу саволдан сўнг деҳқоннинг қовун пуллаб, атиги рўзғорининг кам-кўстини тиклашга ҳаракат қилаётганини тушунса бўларди. Чунки кўпинча катта фойдани мўлжаллаб иш қилаётган айримлар гапини «харажати бўлса айтасиз»дан бошлашлигини Худойберганов билмаслиги мумкин эмасди. Лекин у буни унутди. Ўзича оддий деҳқондан бўлсада, ҳарна беш-тўрт сўм ишлаб олмоқчи бўлди:

— Бинойидек одам экансизу гапингизни қаранг. Атиги икки минг доллар олиб келсангиз бас, ишингиз битади-қўяди.

Патиев вагоннинг «шапкаси» бунчалар кўп бўлади деб ўйламаган эди. Баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Ахир ҳали юк Омскка қандай етиб боради? Таъми, сифати сақланиб қоладими, йўқми? Кейин уни сотиш ҳам керак. Қизиқ, ҳанузданшунча чиқим. Хуллас, бир зум боши қотиб қолди. Ўзича хомчўт қилди. Сўнг ўзга йўл тополмагач, рози бўлди.

— Бу бошқа гап. Иш битирадиган одам шундай бўлади. Ҳаракатингизни қилинг. Мен ҳам оғайниларни огоҳлантириб қўяман. Яхши вагон ҳозирлаб қўйишади.

Бошлиқ шу тарзда Патиев билан хайрлашди. Бу келишув эса ўтган йилнинг 26 июлида бўлиб ўтаётган эди.

Маълумки, иши битган одам енгил тортади. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлади. Аммо Патиевнинг аҳволи ундоқ эмасди. Қайтанга устига тоғ қулагандай бўлди. Бировдан қарз-ҳавола қилиб бўлсаям доллар савилни топар. Бироқ, бозори касод бўлиб, синсачи? Унда нима қилади? Тўрвахуржунни йиғиштириб қўя қолсами? Таваккал қилсачи?

Орадан ўтган ҳар кун Патиевни баттар ўйга толдираверди, толдираверди. Охири...

Бурунги йилнинг 30 июли. Тахминан соат 16 атрофи. «Ўзбекистон темир йўллари» биноси олдида икки киши қадрдонлардек учрашди. Бири ҳожатбарор Ибрагим Худойберганов, иккинчиси ҳожатманд Неъмат Патиев. Қисқача ҳол-аҳвол сўралгач, Неъмат ҳамёнини ковлаб Ибрагимга 1500 АҚШ долларини узатди:

— Ҳозирча шу. Қолганини кейин гаплашаверамиз.

Неъмат пулни санаб ҳам ўтирмади. Чўнтагига тиқди. Йўл-йўлакай ундан 50 долларни ажратиб олдида, қолганини уни интизор бўлиб кутиб ўтирган темир йўлнинг Тошкент бўлимида технологик марказнинг даромадлар бўйича назоратчиси Раҳмиддин Мамараҳимовга узатди.

Бошлиқ ғараз мақсадини бир ўзи амалга оширолмасди. Шу сабабли бу жиноий ишга Р. Мамараҳимовни жалб қилади. Яъни Раҳмиддин Қозоғистон Республикаси ТОО «Трансойл» фирмасининг ходимидан код – хабарнома ундиришни зиммасига олади. Буни қарангки, эгасига етгунча долларнинг йўл-йўлакай «пати юлинаверади». Мамараҳимов ҳам қўлига тушган порадан 200 долларини ҳе йўқ, бе йўқ ўзига қолдиради. Код – хабарномани олгач, вагонга режа учун Патиев номидан ариза ёзиб, ҳужжатларнинг ичига 20 долларни солади. Кейин «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКсининг тез бузиладиган маҳсулотларни ташишни ташкил қилиш бўлими бошлиғи Рихсилла Саъдуллаевга уни бериб, вагонга режани олиб чиқади.

Шу тариқа қовун-тарвуз ортилажак вагоннинг ҳужжатлари расмийлаштирилади. Икки соат ичида муаммо ечимини топади. Патиев қовун-тарвузларни Россияга элтишга ишонч ҳосил қилганидан сўнг бу ишга бош-қош бўлган «ҳокисор» инсон – Янгийўл шоҳ бекатининг бошлиғи И. Худойбергановнинг хонасига киради:

– Раҳмат, ишим битди. Энди юкни ортиб, йўл ҳозирлигини кўрай. Яхшиликларингизни унутмайман.

Патиев шундай дея, қолган 500 долларни столнинг устига қўяди. Табиийки, мўмай даромадга осонгина эришган бошлиқ унга қўл узатади.

– STOP, қимирламанг, сиз пора олдингиз!

Қатъий оҳангдаги овоздан Худойберганов шилқ этиб тушди. Гувоҳларнинг кўргазмаси, долларлардаги махсус кукун излари, далил-ашёлар олдида уч ҳамтовоқ лол қолди...

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА: юртимизнинг ширин-шарбат мевалари хорижда ҳам машҳур. Ундан татиганлар бир умр мазасини унута олмаслиги аниқ. Демакки, ўзбек деҳқони етиштирган ноз-неъматлар харидоргир. Шундан-да, деҳқон ўз маҳсулотини четга чиқариб пуллагиси, шунинг орқасидан бойигиси, баҳонада дунёни кезгиси келади. Бироқ, ана шундай беғубор инсонлардан ҳам ўз нафси йўлида фойдаланмоқчи бўлган кимсалар борлигидан афсусланасан киши. Хўш, нима қилмоқ керак? Миришкорлар юқоридаги воқеага ўхшаб қаллоб, порахўрларга дуч келиб қолмасликлари учун, аввало, ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши лозим. Ўзбек деҳқони ҳам қонун меъёрларини тушунса эди, бировга кўр-кўрона эргашмас, алданиб қолмас эди. Бизда Ўзбекистон темир йўллари экспедицияси мавжуд. МДҲ ҳудудидан темир йўллар орқали вагонларни ўтишга ҳуқуқ берадиган код олиш учун харидор шу корхона билан шартнома тузади. Кейин банкда ўз номига валютада ҳисоб рақами очиб, йўл ҳақини банк орқали, валютада тўлайди. Ана шундай қонуний йўлдан фойдаланилгандагина, шубҳасиз, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари барҳам топади.

Ҳар галгидек бу сафар ҳам суд жараёни давомида судланувчилар жиноятларини хаспўшлаш учун турли баҳоналарни тўқий бошлашди. Ҳатто айримлари долларнинг «қайтимини» бермоқчи эдиму, ўша маҳал ёнимда турган бегоналардан уялдим, дейишгача борди. Алқисса, жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди судьяси А. Сагатов раислигида ўтган очиқ суд мажлиси жиноятга қонуний баҳо берди. Порахўрлар турли муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Милициянинг тезкор хабари

### *Босқинчилар қўлга тушди*

**Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари томонидан босқинчилик жиноятини содир этган икки шахс ушланди. Генерал Узоқов кўчасидан бораётган «Шарқ савдо йўли» хусусий фирмаси ҳайдовчиси К.Одилов бошқарувидаги «Тико» автоуловини тўхтатиб, «Тинчлик» кўчасига олиб бориб қўйишини илтимос қилган бу йўловчилар манзилга етмасданоқ ҳайдовчининг бўйнига пичоқ тираб, тушириб юбориб, машинани ҳайдаб қочадилар. Ушбу иш юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида қўлга олинганларнинг иккаласи ҳам аввал судланган, бирор жойда ишламайдиган Р.Омон ва И.Комил экан.**

### *Қилмишидан пушаймон ўғрилар*

**Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, «Бўзсув» жамоа хўжалигида яшовчи К.Косим ва А.Талъат исмли икки оғайни пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Форобий кўчаси, 47-уйда ўғирлик жиноятини содир этганликлари ўз исботини топди. Ана шу жиноят ҳақида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар етказилгач, тезкор гуруҳ вакиллари воқеани ҳар томонлама ўрганиб, текшириб кўришгач, ўғриларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, ушбу хонадонда истиқомат қилувчи С.Ашировнинг 205 минг сўм пулини ўмариб, оқибатда кўзларини ердан узолмай қолган шерикларни тегишли қонуний жазо кутмоқда.**

### *Фирибнинг умри қисқа*

**«Чехия давлатига ишга юборамиз» деб, катта ваъдаларни қаторлаштирган ва бунинг эвазига олдиндан нақд 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, бир неча соддадил одамларни алдаб юрган фирибгарлар ушланди. Ўзганинг пулини эгаллаб олиб, аммо қочиб юрган фирибгарларнинг қилмишлари Юнусобод тумани ички ишлар ходимлари томонидан фош этилди. Ҳозирда жиноий ҳаракатлари тергов органлари орқали кўриб чиқилаётганлар кимлар эди? М.Людмила, М.Наталя ҳамда И.Инобат, шунингдек, уларнинг шериклари бўлган К.Иванлар ўзаро жиноий тил бириктиришади. Сўнг овга чиқиб, Самарқанд шаҳрининг Бобур кўчасида яшовчи Х.Ҳолиқовни, Ал-Хоразмий кўчасидан А.Қодиров ва Х.Қодировларни ҳамда Фирдавсий кўчасидан фуқаро Ш.Нурмамедовларни ана шу тарзда лаққа туширишади...**

**Бугунги кунда ҳалол меҳнат қилиш ўрнига қинғирликлар ортидан мўмайгина даромад орттиришни кўзлаган ушбу жиноятчилар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.**

### *Қалтис мақсад амалга ошмади*

**Сирғали-3 даҳасидаги 34-уйнинг олдида сумкасидаги 1 килограмм 800 грамм «опий» моддасини бир амаллаб ўз мижозларига етказишни ўйлаганича, кўзлари бежо бўлиб турган К.Рамзнинг бу қалтис нияти амалга ошмай қолди. Чунки уни ҳеч кутмаганда келиб қолган туман ички ишлар бошқармаси ходимларидан иборат тезкор гуруҳ вакиллари ўзлари билан олиб кетдилар.**

**Заҳриқотил моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланиб, бунинг ортидан мўмай даромад орттириш мақсадида ғайриқонуний ҳаракат қилган бу оғуфуруш қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.**

### *Бўйнига олди*

**Фарғона вилоятининг Бағдод туманилик О.Эргаш исмли йигитнинг пойтахтимизнинг Бектемир тумани ҳудудида жойлашган «Қўйлиқ» бозорида кўрсатган ҳунари қимматга тушадиган бўлди. У милиция ходимлари томонидан қўлга олингач, Бекобод тумани, «Далварзин» жамоа хўжалигида яшовчи деҳқон Р.Асрақуловнинг сотиш учун олиб келган беш яшик помидорини ўғирлаб кетганлигини бўйнига олди.**

***Самариддин ХАЛИЛОВ,***
***Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.***



